



Ishonch

Албатта, жаҳон — кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз яқкаю ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга аталган. Мана шу улуг туйғу ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, ҳаётиимиз мазмунига айла-нишини истардим.

Ислом КАРИМОВ

2008-йил 12-август
№ 95 (2508)
seshanba

Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси газетаси

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ПЕКИН УЧРАШУВЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтаонинг таклифига биноан 8-9 август кунлари Пекин шаҳрида бўлиб, XXIX ёзи Олимпия ўйинларининг очилиш маросимида иштирок этди.

Мамлакатимиз раҳбари 9 август куни Бунхитой халқ вакиллари кенгаши саройида ХХР Раиси Ху Цзиньтао билан учрашди.

Ислом Каримов Ўзбекистон Хитой билан икки томонлама алоқаларнинг бугунги ҳолатини, ҳамкорлик суръатини юксак баҳолаш ва қадрлашни, мамлакатларимиз ШХТнинг фаол аъзолари эканлиги ҳам узаро ишончни янада мустаҳкамлашни кайд этди. Муносабатларимиз 2005 йили Пекинда имзоланган стратегик аҳамиятга молик ҳужжат — Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома руҳида ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ху Цзиньтао Ислом Каримовни ўзининг дўсти деб атади экан, давлатимиз раҳбарига Ўзбекистон сиёсий ва гуманитар соҳаларда Хитойни қўллаб-қувватлаб келаётгани учун миннатдорлик билдирди. Хусусан, жорий йил май ойида Сичуан вилоятида юз берган zilзиладан кейин мамлакатимиз кўрсатган инсонпарварлик ёрдами юксак қадрлашни кайд этди.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларда сиёсий мулоқотларни фаоллаштириш, хавфсизлик соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш, савдо-иқтисодий, сармоявий, илмий-техникавий, гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш устувор йўналишлар саналади. Бугунги кунда узаро ҳамкорлик анъанавий дўстлик ва узаро ишонч руҳида, икки томонлама манфаатдорлик асосида ривожланиб бормоқда.

Ўзбек ва хитой халқлари алоқаларининг тарихи буюк ипак йўли давридан — неча минг йилликлар қаъридан бошланади. Бугунги ҳамкорлик ҳозирги замоннинг энг долзарб талабларига мос тарзда ривожланиб бормоқда. Албатта, бунда икки давлат раҳбарларининг узаро ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига қарашлари, халқаро ва минтақавий муаммоларга ёндашувлари ўхшаш эканлиги, Ислом Каримов ва Ху Цзиньтао ўртасида дўстона муносабатлар қарор топанга муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон раҳбари XXIX ёзи Олимпиаданинг очилиш маросимига таклиф этилгани, Пекиндаги учрашувда ХХР Раиси бу дўстликни яна бир бор алоҳида таъкидлагани ҳам шундан далолат беради.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасида мунтазам равишда олий даражадаги учрашувлар йўлга қўйилган. Икки давлат раҳбарлари халқаро тузилмалар, жумладан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) саммитлари доирасида ҳам мунтазам учрашиб турадилар.

Иқтисодий соҳада мамлакатларимиз ўртасида энг кенг қулайлик яратиш тартиби амал қилаётганини таъкидлаш жоиз. 2007 йилда узаро товар айирбашлаш ҳажми салкам 750 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистонда Хитой сармояси иштирокида тузилган 136 қўшма корхона, 26 Хитой компаниясининг ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Улар энгил саноат, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, ахборот технологиялари каби соҳаларда иш юритади.

Юртимизда Хитой ҳукуматининг фоизсиз (6 миллион АҚШ доллари) ва имтиёзли (36,3 миллион АҚШ доллари) кредитлари асосида қатор ижтимоий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, ХХР Эксимбанки Ўзбекистонга 300 миллион долларлик экспорт кредити ажратган. Шу билан бирга, Хитой ҳукуматининг ШХТга аъзо мамлакатлар учун ажратган 900 миллион долларлик кредит линияси доирасида Ўзбекистонда инфратузилмани ривожлантиришга доир 19 лойиҳа кўриб чиқилган. Уларнинг умумий қиймати 612,1 миллион АҚШ доллари тенг.

Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Хитой ҳукуматларо комиссияси мунтазам мажлислар ўтказиб, иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришни янги имкониятларини юзга чиқармоқда. Унинг 2006 йил августда Тошкентда ўтган еттинчи мажлисида Хитой компанияларидан 200 нафар вакил иштирок этди. 2007 йил январда Шанхайда ўтказилган Ўзбекистон савдо-иқтисодий са-

лоҳиятининг тақдиротида ҳам қарийб шунча хитойлик бизнес вакили қатнашди.

Мамлакатларимиз ўртасида энергетика манбаларини таққиб этиш ва ўзлаштириш, нефть кимёси, энергетика, транспорт, машинасозлик, алоқа ва ахборот технологиялари, таълим, спорт соҳаларидаги ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Техникавий-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим амал қилляпти. Бу ҳужжат алоқаларни ривожлантириш жараёнини соддалаштиришга, янги йўналишларни очишга хизмат қилади. Савдо-саноат палаталари, иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалиги вазирликлари ўртасида узаро алоқалар йўлга қўйилган. Хитойлик ишбилармонлар ҳар йили пойтахтимизда ташкил этиладиган халқаро пахта ярмаркасининг доимий иштирокчиларидир.

Сармоявий ҳамкорлик хусусида Тошкент ва Пекинда ўтган олий даражадаги учрашувларда эришилган келишувлар Ўзбекистонга қарийб 2 миллиард АҚШ доллари миқдорига Хитой инвестицияси киритилишини назарда тутишни таъкидлаш жоиз. Жумладан, нефть-газ соҳасидаги ҳамкорликка оид ҳужжатнинг молиявий қиймати 600 миллион АҚШ доллари тенг.

Гуманитар соҳадаги ҳамкорлик доирасида мунтазам равишда фотокўргазмалар, маданият кунлари каби маданий тадбирлар ўтказилмоқда. Талабалар алмасуви, мутахассислар малака ошириши йўлга қўйилган. 2005 йили Тошкентда Хитой тили ва маданиятини ўрганиш бўйича Конфуций институти, 2007 йили Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида Хитой тили маркази очилди. 2005 йилнинг сентябрийдан Пекиндаги Миллатлар марказий университетида ўзбек тили кафедраси фаолият кўрсатмоқда. 1998 йилда тузилган «Ўзбекистон-Хитой» дўстлик жамияти ҳам гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Ислом Каримов ва Ху Цзиньтао Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан атрофича фикр алмадилар, ўзларини қизиқтирган халқаро ва минтақавий муаммоларни муҳокама қилдилар.

Шу кун Президент Ислом Каримов ўзи жойлашган «Дяююйтай» қароргоҳида Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак билан учрашди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон-Корея муносабатлари изчил ривожланиб бораётганини, бугунги учрашув узаро ҳамкорлик қўламини кенгайтиришдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор эканини таъкидлади.

Ли Мён Бак Корея Республикаси Ўзбекистон билан ҳамкорликка алоҳида эътибор билан қарашини, мамлакатимизни Марказий Осиёдаги асосий шериги деб билишини қайд этди.


Президентларнинг суҳбатида Ўзбекистон билан Корея ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик тамойилларига асосланиши, бугунги учрашув икки мамлакатнинг узаро муносабатларини янада мустаҳкамлашга интилиши муштараклигидан далолат эканлиги таъкидланди.

Дарҳақиқат, бугун Ўзбекистон-Корея муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилган, дейиш учун барча асослар бор. Бунинг яққол тасдиғи сифатида олий даражадаги учрашувларнинг мунтазамлигини қайд этиш мумкин. Мамлакатимиз раҳбари жорий йилнинг феврал ойида Сеулга ташриф бўриб, янги сайланган Президент Ли Мён Бакнинг ўз лавозимига расман киришишига бағишланган маросимда иштирок этди, бир қатор музокаралар ўтказди. Ушбу сафар асосида Ли Мён Бак Корея Республикаси Ўзбекистонни анъанавий дўст давлат деб билишини ва мамлакатимиз билан муносабатларни ривожлантириш тарафдори эканлигини алоҳида таъкидлаган эди. Бу самимият негизда сиёсий, иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига, халқаро ва минтақавий муаммоларга қарашлар ўхшаш ва яқин эканлиги, ҳамкорликдан икки томон ҳам бирдек манфаатдорлиги мўжассам.

Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг сиёсий масалаларда кўп жиҳатдан ҳамфикрлиги халқаро сивбат майдонидаги ҳамжиҳатликни ривожлантириш учун замин бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Фоторепортаж



Мустақиллик йилларида пойтахтимиз кўчаларида транспорт ҳаракати учун қулайлик яратиш мақсадида улкан йўл-қурилиш иншоотлари барпо этилди. Айни кунларда Тошкент темир йўл вокзали яқинидаги Сарикўл кўчаси билан қесишган темир йўл кўпригини қайта қуриш ишлари кизгин давом этмоқда. Бу ерда 13-кўприк қурилиш отрядининг 150 нафар ишчиси бунёдкорлик ишларини амалга оширяпти. Қурилиш майдонида 30 дан ортиқ техникалар ишлаб турибди. Май ойида бошланган қурилиш-таъмирлаш ишларининг катта қисми ниҳоясига етказилди. Мустақилликнинг 17 йиллиги арафасида мазкур кўприкни фойдаланишга топшириш режалаштирилган.


Суратларда: иш юритувчи Баҳодир Маҳмудов, Камолддин Мирзааҳмедов, автокранчи Йўлдош Аҳмаджонов.
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар



ТАШЛАНАЖАК БЕШ ҚАДАМ

Сурхон воҳаси Туронзамин тарихининг асосий бўлаги саналади. Тешиктош форидан топилган, ўрта палеолет даврига (мл. ав. 100 — 40-минг йилликлар) мансуб неандертал одам суяк-лари, Мачай ва Зараўтошдаги мезолет даврига (мл. ав. 12 — 7-минг йилликлар) оид петроглифлар, Сополлита кенотафи, мудофаа деворлари, жанубдаги илк зироатчилик изларидан юксалган юрт «гўзал ва байроқлари баланд кўтарилган» Бактрия тисолида янгидан дунёга келди. Колаверса, бу ҳудуддаги буддизм ёдгорликларининг (Тармита, Фаётепа, Қоратепа, Зартепа,

ишлом оламида энг буюк олти муҳаддиддан бири сифатида тан олинган имом Исо Термизий, мумтоз шоир Собир Термизий, муарриф Самандар Термизий каби ўнлаб мангу барҳаёт илм зинорларининг мероси бу заминда ҳамisha моддиятдан кўра маънавият устун бўлганининг далилидир. Агар одамзот тафаккурининг энг олий маҳсули бўлган дастлабки ёзув — пиктографик белгиларни милондан аввалги 4-минг йилликда шумерликлар ихтиро қилган бўлса, у Ўзбекистон ҳудудида турт минг йил бурун «Окс тамаддуни» сифатида эътироф этилган



ги 13 та белги эса ватанимиз ҳудудида пиктографик белгиларнинг пиктографик ёзувга айланishi даврини (ҳозирча, албатта) белгилаб берди.

Бу каби археологик изланишлар тўхтаб қолгани йўқ, Термиз давлат университети олимлари икки йил бурун Фаётепадан қўллаб қадимги бактрия, брахма ва кхарошти ёзувларининг намуналарини топган бўлса, яқинда Бойсун туманининг Дарбанд қишлоғида яна бир нобъ тарихий манба — Тош китоб кўлга киритилди. Маҳаллий аҳоли топган тошнинг икки томони силлик,

ўлчами 15х15х13 см. бўлиб, юзасида аввал ўткир тиг билан тирнаб чизилган, сўнг қора ва қизил оҳрада бўлган пиктографик ёзувлар мажмуаси тасвирланган.

— Хориждаги энг нуфузли дорулфунунлардан бўлган Бонн, Мюнхен ва Прага университетлари билан шартнома асосида «Бактрия — илк цивилизация ўчоғи», «Юнон маданиятининг Бактрияга тасвири» каби мавзуларда археологик изланишлар олиб бораёلمиз, — дейди ТерДУ тарих факультети декани, тарих фанлари доктори Шопўлат Шайдуллаев. — Ҳозир

Пошхўрт, Тиллабулок (бронза даврига тегишли), Толитогора (антик маданият маҳсули) каби ёдгорликларда изланишлар олиб борилмоқда. Яқинда «Tempus» дастури бўйича 19.500 евро миқдорига грант ютиб олдик. Бу маблаг факультет муаллимлари ва энг истеъодли талабаларнинг хорижа савҳат қилиб, тажриба алмашиши учун сарфланади.

Ҳа, мозий сирларини англамай туриб олдинга дадил қадам ташлаш мумкин эмас. Ахир, кеча — бугун — эрта детерминизми ҳамisha ўз исботини топиб келган.

(Давоми 2-бетда)



Жарқўтон. Пиктографик ёзувлар.

Айритом, Далварзинтепа (ибодатхоналари) ўзи бир дoston бўлгулик. Ишонмасангиз, кунчиқар юртдан келиб тепалар қаъридан зиё ахтарётган Като Кюдзо бободан сўранг... Колаверса, тасавуф меросининг беназир алломаси Ҳаким Терми-

Сополли маданияти даврида дунёга келган. Биргина Жарқўтондан топилган сополларда пиктографик белгиларнинг 47 хили аниқланди. Илк темир даврига (мл. ав. 1-минг йилликнинг боши) оид Фоз маданиятидан топилган ўғир сиртида-

Эътироф

— Ўзбекистон — спорти жадал ривожланаётган мамлакат. Бу бугунги кунда халқаро миқёсда эътироф этилмоқда. 2006 йили Қатар пойтахти Доха шаҳрида ўтган XV Осиё ўйинларида мамлакатингиз вакиллари эришган юксак муваффақиятларни кўриб, бунга ўзим ҳам тўла амин бўлган эдим. Айниқса, бокс, дзюдо, эркин ва юнон-рум кураши, энгил атлетика, футбол, таэквондо бўйича ўзбек спортчилари нафақат қитъамизда, балки жаҳонда ҳам энг кучлилардан ҳисобланади.

Али Аҳмад Салим,
Қатар миллий Олимпия терма жамоаси аъзоси

— Ушбу муваффақиятимни истиқлолимизнинг ўн етти йиллик байрамига бағишлайман. Чунки биз, Ўзбекистон ёшлари халқаро Олимпиададек нуфузли мусобақаларда фаол қатнашиш имкониятига Мустақиллик туфайли эришдик. Президентимиз Ислом Каримовнинг биз, ёшлар камолоти ва спортни ривожлантириш йўлида қаратаётган улкан эътибори, кўрсатаётган доимий гамхўрлиги туфайли мен, оддий қишлоқ йигити жаҳоннинг энг нуфузли спорт мусобақасида шохсўпага кўтарилиш шарафига мўъссар бўлдим. Давлатимиз раҳбарининг Олимпиаданинг очилиш маросимида шахсан иштирок этгани ва мамлакатимиз спортчилари билан учрашгани биз, олимпиадачиларга жуда катта куч-гайрат бағишлади. Мен келажақда ҳам юртимиз шарафини халқаро спорт майдонларида муносиб ҳимоя қилишга аҳд қилганман.

Ришод СОБИРОВ,
дзюдо бўйича бронза медали соҳиби

Эътироф

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ПЕКИН УЧРАШУВЛАРИ

(Боши 1-бетда)

Корея Республикаси Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиёдаги йirik савдо-иқтисодий шерикларидан. 2007 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 850 миллион АКШ долларидан ошди. Ўзбекистонда Корея Республикаси сармоси иштирокида тузилган 313 қўша корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар машинасозлик, савдо, кимё, озиқ-овқат ва энгил санаят, металлни қайта ишлаш, соғлиқни сақлаш, сайёхлик, ҳизмат кўрсатиш каби соҳаларда иш юритаётди. Кореянинг 73 фирми ва компанияси Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очган.

Мутахассислар жорий йилда ўзaro товар айирбошлаш ҳажми бир миллиард долларга етишини таъкидламоқда. Мунтазам равишда бизнес-форумлар ўтказилиб, ишбилармонларнинг алоқалари ривожланиб бораётгани, сармосия оқимини кенгайтириш учун янги имкониятлар яратилаётгани бу фикрнинг таъкидлайди. Жумладан, Сеул

даги сўнги музокараларда Ўзбекистонга салкам 2 миллиард АКШ долларига тенг Корея сармоси киритишга келишиб олинган.

Жорий йилнинг май ойида Корея Республикаси Бош вазирининг ташири чотида Тошкентда ўтказилган бизнес-форумда эса нефт-газ, электротехника, фармацевтика, тўқимачилик, озиқ-овқат, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, курилиш соҳаларидаги алоқаларни янада ривожлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди. 2008-2011 йиллар давомида Ўзбекистонга 120 миллион АКШ долларига миқдорда узоқ муддатли имтиёзли кредит ажратиш тўғрисидаги ҳақли келишув, шунингдек, стандартлаштириш, геология, илм-фанни ривожлантириш муассасалари, «Асакабанк» билан Корея Эксимбанки ўртасида ҳамкорликка доир ҳамда мамлакатимиз ҳудудидаги қонларни ўзлаштиришга, ишлаб чиқаришнинг янги турларини жорий қилишга оид қатор ҳужжатлар имзо-

ланди. «UzKorGasChemical» қўша корхонасининг очилиш маросими бўлди. Устуртдаги Сурғил қонида геология-разведка ишларини олиб бориш, қонларни ўзлаштириш; полиэтилен ва полипропилен ишлаб чиқаришга ихтисослашган ушбу қўша корхона Президент Ислом Каримовнинг Корея Республикасида 2006 йил март ойидаги давлат ташири чотида «Корея газ корпорацияси» («КОГАЗ») билан «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси ўртасида имзоланган ағлашув меморандумига мувофиқ ташкил этилди. Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 1,84 миллиард АКШ долларига тенг.

Ўзбекистон-Корея ҳамкорлиги юқори технологиялар соҳасида ҳам жадал ривожланимоқда. Мамлакатимизда ишлаб чиқаришнинг ўта ноб ва айни пайтда барқарор, юқори даромад келтирадиган соҳаси саналган автомобил-созлик саноатини ишга туширишда корейлик шериклар билан алоқалар мўҳим ўрин тутади. Айни пайтда саноатнинг бошқа соҳаларида

юқори технологияли тармоқлар, юксак даражадаги қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш турлари ўзлаштирилмоқда. Тошкент ахборот технологиялари университетида ўзaro ҳамкорликда очилган Ахборот технологиялари маркази фаолият кўрсатмоқда.

Гуманитар ҳамкорлик ривожига «Ўзбекистон — Корея Республикаси» дўстлик жамияти ҳамда олий ўқув юрлари ўқитувчилари ва талабаларининг Кореяда малака ошириши ва таълим олишини ташкил этиш билан шуғулланувчи Корейс таълим маркази мўҳим ўрин тутади. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва Самарқанд давлат чет тиллар институтида корейс тили ва маданияти марказлари ишлаб турибди. Мамлакатимиз бўйлаб 9 олий ўқув юртида корейшунослик кафедралари ташкил этилиб, 112 мактабда корейс тилини ўрганиш йўлга қўйилган. Мамлакатларимиз ўртасида Фанлар академиялари, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Мехнат ва аҳолини ижтимоий му-

хофаза қилиш вазирликлари йўналишида алоқалар изчил ривожланимоқда.

Учрашувда Ислом Каримов ва Ли Мён Бак ўзаро муносабатларнинг ҳозирги босқичига юқори баҳо бердилар. Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, бу борада мавҳуд имкониятлардан янада тўлиқ фойдаланиш масалалари юзасидан атрафлича фикр алмашдилар.

Ислом Каримов Пекиндаги Олимпия шаҳарчасида ушбу нуфузли халқaro спорт мусобақаларида иштирок этаётган мамлакатимиз спортчилари билан учрашди.

Президентимиз спортчиларимизни бардам ва тетик руҳда кўрганидан мамнуният изҳор этиб, уларнинг яшаш, машқ қилиш шароити билан қизиқди. Олимпиядангун очиш маросимида Ўзбекистон жамоаси биринчилар қаторида стадионга кириб келгани халқимиз гурурига гурур қўшишини таъкидлади.

— Сиз зиммангизга олган вазифа нечоғли мураккаб ва оғир эканини барчамиз яхши англаймиз, — деди Ислом Каримов. — Шу билан бирга, сизнинг миссиянги гоят шарофли эканини ҳам таъкидламоқчиман. Зеро, бундай вазифани ўз зиммасига олиш хар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Сиз Олимпия ўйинларида қатнашиш учун нечоғли машаққатли синовлардан ўтганингни, тинимсиз машқлар орқали тана ва руҳингизни чиниқтириб, маҳоратингизни юксалтириганингни барчамиз яхши биламиз. Олимпияда сизга ўз маҳорат ва истеъдодингиз баробарида, ўзбек халқининг куч-қудратини намойиш этишингиз учун яхши имкониятлар марафаларни забт этишга қодир эканини кўрсатишингизга, Ватанимизнинг спорт соҳасидаги салоҳиятини муносиб намойиш қилишингизга ишонаман.

Дзюдо бўйича аёллар жамоаси мураббийси Неля Кямова, энгил атлетикачи Бобур Шокиржонов Президентимизга мамлакатимизда спортни

ривожлантириш ва спортчиларни хар томонлама қўллаб-қувватлаш йўлида кўрсатаётган юксак эътибори учун самимий миннатдорлик билдирди.

Шу билан мамлакатимиз раҳбарининг Пекинга таширифи ниҳоясига етди. Сафар асносида бўлиб ўтган музокараларда Ўзбекистоннинг Хитой ва Корея Республикаси билан муносабатларини янада ривожлантириш масалалари муҳокамасига бағишланган бўлса, спортчиларимиз билан учрашув уларни Олимпияда мусобақаларида юксак зафарларни қунишга ундайди. Шу жihatдан Президентимизнинг Пекин таширифи гоят самарали ва хайрли бўлди. Бунинг ёркин тасдиғи сифатида 9 август кўни ҳамюртимиз Ришод Собиров дзюдо бўйича 60 килограммга бўлган вазн тоифасида Франция рақибини доғда қолдириб, бронза медалига сазовор бўлганини айтиш мумкин.

Анвар БОБОЕВ,
Ўза махсус муҳбири.
Тошкент — Пекин — Тошкент.

мазкур кўрсаткич 120 минг тоннага етиши кутилмоқда. Дастлабки геологик кидирув натижасига кўра, Олтинсой туманидаги «Гурун» ва «Фанга» қонларида узунлиги 3,5 километрлик ерости қатлами 20 млн. тоннага яқин тошкўмир захираси мавжудлиги аниқланган. Урганиш жараёни тўлиқ ниҳоясига етгач, бу ерда ҳам кўмир қазиб ишлари бошлаб юборилади.

Бу йил 7200 дан зиёд фермер хўжалиғи фалла етиштирди. Бошқача айтганда, 110 минг нафар деҳқон хар гектар фаллазордан ўртача 42-45 центнердан хирмон уйди. Ангор туманидаги «Саидносирхон», Бандихон туманидаги «Те-

олти ойи мобайнида 12121,9 тонна оқланган ва 1313,3 тонна қадокланган пахта ёғи ишлаб чиқарилган. Аксарият ускуналарнинг эскирганлиғи тула қувват билан ишлашимизга ҳалал берарди, — дейди бош муҳандис Файзулла Ниёзов. — Шу боис 2007 — 2011 йилларда корхонадаги техникаларни модернизация қилиш режалаштирилди. Хусусан, форпресс, экстракция ва тайёрлов цехларини техник модернизация қилиш учун 1 млрд. 143 млн. сўм, техник ёғни доғлаш линияларини ўрнатиш учун 500 млн. сўм, 2 та форпресс цехига оммодифилтрлар олиб келиш учун 100 млн. сўм, қадоклаш линиясининг қувватини ошириш мақсадида Пошадан келтирилган янги линияларни ўрнатиш учун 103 млн. сўм сарфлаш мўлжалланган. Биргина ўтган йили Украинадан 6 та электрон тарози олиб келиб ўрнатди. Ундан ташқари, Белгиянинг «Armstrong» фирмаси орқали 154 тона тармоқли конденсат ускуналарни ўрнатилди. Улардан унумли фойдаланишда кўл келмоқда.

лар махсус кийим-бош ва сут-қатиқ билан таъминланган, — дейди корхона касабаси қўмитаси раиси Эркин Сариев. — Ўртача ойлик 130.000 сўмини ташкил этмоқда, 77 нафар кам таъминланган ходимларнинг фарзандлари оромгоҳларда бепул соғломлаштирилди. Ишга узоқдан қатнайдиغانлар учун «Дамас» ажратилган, ходимларнинг тўймаърақасида имкон қадар моддий ёрдам кўрсатилади. Бундан ташқари, 12 та оилага хар ойда энг кам иш ҳақи миқдоридики қўшимча нафақа тайинланган... Дарҳақиқат, корхона жамоасини саховатли дейиш мумкин: Ешлар йили муносабати билан болалар спортини ривожлантириш жағрамасига 42 млн. сўм, вилоят Хотин-қизлар қўмитасига 300 минг сўм, Денов ноғиронлар уйига эса 50 минг сўм ёрдам кўрсатилган.

Олтинсойнинг Шакарқамишида Жавлон Хайитов деган бобо бор: хоржий ўсимликларини иқлимимизга мослаштириш устида тажриба олиб боради. Зайсари Баҳодир Ўриновдан қўйидаги жаов олди: — Узгидрометнинг Сарисий туманларaro лабораторияси тўлиқ таъмирланиб, тегишли асбоб-ускуналар билан таъминланди. Мақсад — Тожикистон алюминий заводидан чиқаётган зарарли газлар миқдорини мунтазам кузатиб бориш. Ҳозир атмосфера ҳавосидаги олтингурут оксиди ва фтор миқдорини аниқлаш учун ГАНК-4 асбоби ёрдамида ўлчов ишлари олиб бориламоқда. Яқинда Сенатда айнан шу масалага бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Бир сўз билан айтганда, муаммони бартафат этиш йўлидаги ҳаракат тўхтаб қолгани йўқ.

Сурхондарёдаги аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тизими ҳақида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Комилжон Абдувахидов шундай дейди: — Кейинги ўн беш йил мобайнида воҳа аҳолисининг ўртача умри 67 ёшдан 72,5 ёшга узайди. Эътиборимиз, чечак, ичтерлама, бўғма, кўйдириг, ўлат ва вабо каби юқумли касаллик-

шунинг илмий жихатдан асослаб, тиббиётга олиб кирдим, холос. Гарчи бугун бу усул «Зуннунов усули» деб номланса-да, аслида бу фотобаларимизнинг қашли-фотибери. Тўғри, қум билан доволаш амалиёти Италия, Франция ва Японияда қўлланган, бироқ ўлар денгиз қумлари бўлиб, таркибида 58 фоизгача намлик мавжуд, ҳатто баъзилари сунъий киздирилди. Бизнинг барханлар эса табиий ҳароратдан баҳраманд бўлгани учун унинг шифобаҳшилиғи ҳайратланарли равишда юқоридан.

3.Зуннунов ва унинг шогирдлари томонидан мазкур минтақада организмнинг деярли барча аъзолари зўриқиб ишлаши тўғрисидаги тиббиёт соҳасидаги (керраки мезонда) ушлаб туришни таъминлаш) ҳолати пайдо бўлиши, бунда юзага келадиган клиник-физиологик ўзгаришларнинг асосий сабаби ўзига хос иқлимий ҳамда экологик шароит эканлиғи асослаб берилди ва бу ҳолат Зуннунов томонидан «иқлимий зўриқиб ишлар» деб номланди. Уни доволашга йўналтирилган қум ванналари Учқизил сув, оми-

лий дастури» асосида воҳада 21 та янги мактаб биноси қуриш режалаштирилган бўлиб, улар бошқачма-бошқач амалга оширилмоқда. Ўтган ўкв йилида воҳанинг 17 ўқувчиси фан олимпиадаларининг республика босқичида фаол иштирок этди. Тарих фанидан иштирок этган Термиз шаҳрида-

либ, уларда 1114 та ташкилот 5411 та бўш иш ўрини қуриш режалаштирилган бўлиб, улар 1916 фуқаро ишли бўлди. Тижорат банкларининг кредит линиялари орқали иш билан таъминлашга қўмақлашиш жағрамаси маблаглари ҳисобидан 212 та оилага қорамол сотиб олиш учун 264,9 млн.

ТАШЛАНАЖАК БЕШ ҚАДАМ



мур Пухтаев», Деновдаги «Хайдар бобо», Жаркўрғондаги «Янгиер», Кўмқўрғондаги «Хафиз-Содиқ», Муаработдаги «Абдулҳаким Мардонов». Олтинсойдаги «Жиннибулоқ пахтакори», Узундаги «Уткам фидойи», Сарисийдаги «Ойбек-Охун» каби фермер хўжалиқлари воҳа фаллачилгининг байроқдорлари бўлиш-

Масалан, илгари бир суткада 56 тонна мазут ишлаб чиқарилиб бўлса, ҳозир 40 тонна ёқилмоқда. Барибир, аҳолининг ёғга бўлган талабини биргина чигит билан қондириш қийин. Шунинг учун ҳам бу йил 1,5 гектар ёрга қунгабоқар, 6700 га. майдонга эса зирғир эканди. Ҳозир шу маҳсулотларни нест-нобуд қил-

тунинг ҳам илк бор шу бобо тажриба сифатида экиб қўрган. У бошчилик қилаётган 20 гектарли «Жовлибой Жавлонов» фермер хўжалиғидаги 1,2 гектар майдон тажриба учун ажратилган бўлиб, ҳозир бу ерда зайтун, банан, папая, каштан, мурч, лавр япроғи, мовий арча, ботқоқ кипареси қўчатлари ва Миср бўғдойи тажриба сифатида ўстирилмоқда.

— Ўтган қиш қаттиқ келди-ай, неварам, — дейди Жавлон бобо. — Анча-мунча зайтун, каштан, бананларимни совуқ урди. Лекин кўнглим чўккани йўқ, бу ҳам бир тажриба-да. Келгуси қишда зайтун қўчатларини анор ва беҳи сингари қўмиб қўймоқчиман. Миср бўғдойи ҳам жуда фойдаланиш экан. Биздаги бўғдойларнинг тўйимлилик даражаси 30 фоизгача бўлса, Миср бўғдойиники 80 фоизга етди. Бир ҳовуч уруғни икки йил экиб, 280 кило бўғдой олдим. Келгусида бу ишларни янада кенгайтирмоқчиман. Ниятим, иқлимимизга мос халқимизга фойда келтирадиган янги ўсимлик ва даракларни етиштиришдир...

Сўнги йилларда мамлакатимиздаги энг долзарб экологик муаммолардан бири сифатида, шубҳасиз, Тожикистон алюминий заводидангизга етказиётган туманимизга етказиётган зарари эътироф этилмоқда. Кўп ва хўп гапирилса-да, бирок муаммо бугун ҳам бартафат этилгани йўқ. Бу ҳақида вилоят Табиати муҳофаза қилиш қўмитасига мурожаат қилганимизда қўмита раисининг ўринбо-

ра бундан ташқари, қишлоқлардаги барча врачлик пунктлари «Саломатлик-2» лойиҳаси асосида тўлиқ таъмирланди. Икки йил аввал 189 та пункт 142,6 млн. сўмлик мебеллар билан таъминланди, 375 миң АКШ доллар миқдоридики тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Терапия ва тиббий реабилитация илмий-тежираниш институтининг Термиз филиали клиникаси Учқизил қумликлари орасида жойлашган бўлиб, у ерда барханлар, мўътатил олтингурутлари ва йод-бромли сув ванналари воситасида ҳаракат-таянч тизими, тери, юрак, томир ва асбб тизими билан боғлиқ касалликлар доволанади. Клиника асосчиси ва раҳбари — тиббиёт фанлари доктори, Нью-Йорк фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, Вашингтон халқaro миллий географлар ассоциацияси аъзоси, сенатор Зокиржон Зуннуновни нафақат юртимизда, балки хоризда ҳам яхши танишди. У бошчилик қилаётган жамоа Халқaro Сифат Ассоциациясининг «Халқaro Олтин ва Кумуш мукофотлари» ни бир неча бор, Халқaro Маркетинг Ташкилотининг «Олтин юлдузи» ва «Асил тож» мукофотларини бир мартадан қўлга киритган.

— Ота-боболаримиз асрлар мобайнида Кизирқидаги Етимкумининг барханлариға қўмилиб, ибтидоий шаклда ўзларини ўзлари доволаб келган бўлса-да, бироқ бу илмий жихатдан асосланмаган эди, — дейди Зокиржон Зуннунов. — Мен



«Сурхонсиковқатсаноти» ХЖ лабораторияси Мамлакат Юсупова иш устида.

ди. Шу кунларда эса воҳанинг 7300 дан зиёд фермер хўжалиғи 123 миң гектар ёрда «Денов», «Бухоро-6», «Наманган-77» сингари воҳа иқлимга мос ва эртапишар гўза навларини парваришламоқда.

май йиғиб-териб олиш таъшишдамиз. Айтганча, Жаркўрғонда 20 гектар ёрга Туркиядан келтирилган 10.000 түп зайтун қўчатини ўтказгандик, лекин бу йилги об-ҳаво зайтунларга салбий таъсир қилди. Аммо барчаси қайтадан қўқараяпти, Ўшлаган ишимизни, насиб этса, охирига етказамиз.

Корхона фаолияти билан танишар эканмиз, баъзи цехлардаги иш жараёни саломатлиғи учун зарарли эканлиғига амин бўлиш ҳам жамоа шартномаси билан қизиқдик. — Совун ва экстракция цехи каби зарарли шароитда мөҳнат қилаётган ходим-

нан баркамол авлод белгилаб берди. Воҳа эса ҳаммаида рўйхатга олиниб, 15 миң 719 киши ишга жойлаштирилди. 647 кишига ишсизлик нафақаси тайинланди. 2390 киши меҳнат шартномаси асосида касаначиликка жалб қилинди. Бундан ташқари, 30 та бўш иш ўринлари йярмақаси ўткази-

байнида 17 миң 374 нафар фуқаро иш кидирувини сифатида рўйхатга олиниб, 15 миң 719 киши ишга жойлаштирилди. 647 кишига ишсизлик нафақаси тайинланди. 2390 киши меҳнат шартномаси асосида касаначиликка жалб қилинди. Бундан ташқари, 30 та бўш иш ўринлари йярмақаси ўткази-

Шу йилнинг 20 июн кўни Вазирлар Маҳкамасининг «2008-20012 йилларда Сурхондарё вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Мазкур Дастурда асосий йўналишлар ва мақсадли параметрлар сифатида минтақавий иқтисодий-тарбиётни барқарор юқори суратларда ўстириш, мавжуд комплекс ва самарали ўзлаштириш, хар бир туманинг иқтисодий салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш, шунингдек хоржий инвестициялар жалбларини қўпайтириш ҳисобига ялпи минтақавий маҳсулотларнинг 1,7 баравар ўсишини таъминлаш; замонавий қайта ишловчи ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва технология қайта жиҳозлашни давом эттириш, рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқаришни, биринчи навбатда, ишчи қўп бўлган ва дотацияда турган туманларда ўзлаштириш ҳисобига санаят индустрия минтақавий маҳсулот таркибидаги улушини 12 фоизгача етказиш; кичик бизнесининг ЯММдаги улушини 68 фоизга етказиш ва аҳолининг реал даромадларини 2,7 баравар оширишни таъминлаш; хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида, айниқса қишлоқ жойларида тадбиркорлик ташаббусларини янада кенгайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, унинг ЯММдаги улушини 49 фоизгача етказиш назарда тутилган бўлиб, ушбу Дастурни амалга оширишда юзасидан Республика Мувofiқлаштирувчи кенгаши тузилди.

Ха, ўша сессияда Юртбошимиз таъкидлаганидек, «келгуси беш йиллик Сурхондарё йили бўлади»: имконият берилди, инвестиция йўналтирилди, энди ҳаммаси ушбу имкониятдан қай даражада фойдаланишга боғлиқ. Зотан, ушбу ташла-нажак беш қадам воҳанинг эртанги қўймасини белгилаб беради.

Умид ЯҚУБОВ,
Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» муҳбирлари

«ТОШКЕНТ ЁҒ-МОЙ КОМБИНАТИ»

қўшма корхонаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси

*Меҳнаткаш халқимизни яқинлашиб
келаётган мустақиллик байрами билан
самимий қутлайди.*

*Улуғ айём кунларида ҳаммага азло кайфият,
соғлиқ-саломатлик, эл-юрт фаровонлиги
йўлидаги олижаноб ишларида янгидан-янги
муваффақиятлар тилайди.*

*Хонадонингиздан қут-барока,
дастурхонингиздан тўқинлик афимасин!*




Самарқанд вилояти электр тармоқлари корхонаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси

*Соҳа ходимларини мустақиллик байрами билан чин
дилдан табриклайди.*

Юртимиз тинч, осмонимиз беғубор бўлсин.

*Барчангизга сиҳат-саломатлик, фаровонлик, қувонч
ва кўтаринки кайфият тилаймиз!*



«Мен — ёшликман» танловига

Дилафрўз Чориева 1987 йилда Дехқонobod тумани Торқоччиғай қишлоғида туғилган. «Қалбим сурати», «Сарҳад билмас соғинчлар» номли шеъррий тўпламлари ҳамда «Кўнғиротларнинг анъанавий амалий санъати» номли рисоласи чоп этилган. Республика ёш ижодкорлар Зомин анжуманининг (2007 йил) 1-ўрин соҳибаси.



Шеърлари бир неча йилдан бери вақтли матбуот саҳифаларида мунтазам эълон қилиниб келинмоқда. Ҳозирда ЎзМУ Олий Адабиёт курси 2-босқич тингловчиси.

Рухим изингиздан эргашиб юрса, Сизсиз эришсиз топмасам имкон, Гуноҳор кўнғилин дорга буорса, Бўғизини тутишга шайман, ёрмон.

Лабингизга сингсам ним табассумдек, Чехрангизни чизиб бахтта тутардим. Юракдаги муҳаббат бекатларида Узинни йўқотиб, сизни кутардим.

Мен — бахтнинг йўқолган бир пой сирғаси, Гам такай дейдики қулугин топмас, Сиз шундай бахтсиз, оқун эрқаси, Сизни унутмасингиз иккони бўлмас.

Дийдор — Жафо қўлидаги бир инжу шодлик, Жаннат бағрадаги етармас унга, Ёлғизим, бағрингиз бунчалар кўклик, Дунёдан кечулик, бир лаҳза онга.

Йироқлар фироқини улайтир ўлиб, Хайлларга сиймай қолди бу совғи, Ишқингиз кучоғида ўлчамни тортиб, Яшай чехрангизда бўлиб хур қулуг.

Ер чизяпти нигоҳларим, Мажнунтолининг нигоҳини уялтириб, Жонимга қадалган бир нигоҳингиз, Борлигини ҳаяжонга бўялтириб, Титрогимни сезяпсизми?! Боглаб кўйдим кўзингизни, ишқингиз ҳарир рўмоли-ла, Нафас олиб турибман-ку, Садокатнинг қалбимдаги тумори-ла.

Гўшангамга бўйлатмангиз ҳижрон, Кўзларингиз — кўшмим менинг, Қовоғи уйган қаро булутни, Қалбимга кўчирган рашик менинг. Ноғоҳ кўзингиздан қўя юмар бўлсам, Кипригингиз дорларига осинг мени, Ириминга, икки томчи беш-ла чайиб, Қалбингизнинг бир буржига кўминг мени.

Бойчиборнинг тўбига қоқилган гулмих, Бугун менинг юрагимга қоқияпти. Оруларим зирак бўлиб, Танноз армон қулугига тақияпти. Бармоғимга узук эмас, Обғимга хийнатнинг тушовлари солиняпти. Муҳаббатим мазорига, Шомлар беҳол йиқияпти. Сизқияпти... Юракким сизқияпти... Хижронларнинг чанғалида. Адашганман ўз кўксимда — Йўлим топмай сизсизликнинг жанғалида. Тонг — дастурмош, кўзда ёшим, Ҳар кун севкин артиб кўйган. Нечун сизмас сабо бўлди, Соҳларимдан майин сизлаб, Пешонамдан ўлиб кўйган. Хижрон кишанларин парчалаб бир кун Юракдаги гулмих билан, қиёматда сизга өтгум. Дилдор ёр ҳозир эса, Дилнингизга кириб олиб, Ёлғизликнинг диёрига, Ёнингиздан секин кетгум.

ДИЛАФРЎЗ ЧОРИЕВА

Али Аҳмад САЛИМ: ЎЗБЕКИСТОНЛИК СПОРТЧИЛАРГА ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИЙДИ

XXIX ёғи Олимпиада ўйинларида ўзбек спортчилари эришган натижалар муҳлиси мутахассисларга манзур бўлмоқда. Айниқса, дзюдочиларимизнинг муваффақиятлари кўнчилиқнинг эътиборини тортмоқда. Дзюдо бўйича беллашуларда Мирали Шарипов қорчи жисмоний тайёргарлиги, техник маҳорати ва чиройли усуллари билан муҳлислар меҳрини қозонди. Жорий йилда Жанубий Кореяда ўтказилган Осиё чемпионатида учинчи ўринни эгаллаган 21 ёшли бу полвонимиз Пекиндаги бахсларда испаниялик Оскар Пенас, жазирлик Мунир Бенамадий, эронлик Араш Мирсмолий, мисрлик Аҳин ал-Ходийни мағлуб этди. «Пекин-2008» Олимпиадасида ўзбек боксчилари ҳам муваффақиятли одимини давом эттирмоқда. Ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Элшод Расулов Олимпиада ўйинларидаги дастлабки учрашувини франциялик Жан Микел Раймонга қарши ўтказиб, рақибини 8:2 ҳисобида доғда қолдирди. Тажрибали боксчимиз Дилшод Маҳмудов илк жангда марокашлик Мехди Халсий билан куч синашди. Фаолияти давомида ҳарбийлар ўртасида жаҳон чемпионлигига сазовор бўлган ўзбекистонлик чарм қўлқоп устасига рақиб муносиб қаршилиқ кўрсата олмади. Учрашув Д.Маҳмудов фойдасига ҳал бўлди. Олимпиадада иштирок этётган хориқлик мутахассислар ва муҳлислар Ўзбекистон спортчиларининг имкониятларини юксак баҳолашмоқда.

Ўзбекистон — спортчи жадал ривожланган мамлакат. Бу бугунги кунда халқаро микёсда зўтироф этилмоқда, — дейди Қатар миллий Олимпия терма жамоаси аъзоси, камондан отиш бўйича моҳир мерган Али Аҳмад Салим. — 2006 йили Қатар пойтахти Доха шаҳрида ўтган XV Осиё ўйинларида мамлакатингиз вакиллари эришган юксак муваффақиятларни кўриб, бунга ўзим ҳам тўла амин бўлган эдим. Айниқса, бокс, дзюдо, эркин ва юнон-рум кураши, енгил атлетика, футбол, тазквондо бўйича ўзбек спортчилари нафақат кўтўмаида, балки жаҳонда ҳам энг қучлилардан ҳисобланган.

Ўзбекистонлик спортчилар эришган юксак галабалар ҳам исботлаб турибди. Спортчи, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга улкан эътибор қаратиладиган, спортчиларга доимий ғамхўрлик кўрсатиладиган мамлакат юксак галабаларга эришиши мумкин. Бу жиҳатдан ўзбекистонлик спортчиларга ҳавас қилса арзийди. Президент Ислам Каримовнинг Олимпиаданинг очилиш маросимида шахсан иштирок этиб, мамлакатингиз олимпиадалари билан учрашгани ва уларни юксак галабаларга рағбатлантиргани ана шундай эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги ифодасидир. Ўзбек спортчилари эри-



шаётган галабаларда ҳам ана шу улкан эътибор ва ғамхўрлик муҳим омили бўлаётди. Олимпиаданинг учинчи куни — 11 августда яна бир спортчимиз - Осиё ўйинлари гольби, Афина олимпиадаси бронза медали совриндори Баходиржон Султонов 57 килограмм вазн тоифасида хиндистонлик Лалит Лакрани мағлуб этиб, навбатдаги босқичга йўлланма олди.

Зохир ТОШХҲАЕВ, ЎЗА махсус муҳбири, Пекин. Ф.ҚУРБОНОВ олган сурат



«Пахтакор-79» СИЗНИ УНУТМАЙМИЗ, СИЗНИ СЕВАМИЗ!

Бундан 29 йил муқаддам ўйинлари кундан-кун очилиб келаётган Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси футболчилари авиачалоқат туғайли бу ёруғ дунёни тарқ этишди. Михаил Ан, Владимир Фёдоров, Сергей Покатилов, Шухрат Эшбўтаев, Сирождин Бозоров... Ўзбек футболлари шарофати муносиб ҳимоя қилиб келаётган 17 нафар чарм тўп устаси сабога сочилди, мангу юлдуга айлангани, миллионлаб қалбларни зирқиратиб кетишди. Ҳар йили Республикамининг турлоқ хотирасига бағишлаб турли турнирлар ташкил этилади. Яқинда Бўстонлик туманида жойлашган «Алгоритм» болалар спортсоғломлаштириш оромгоҳида «Пахтакор-79» хотира турнири 15-босқич бўлиб ўтди. Бу мақсур мусобақанинг йўлланмасини қўлга киритиб, курашнинг давом эттирди.

«Ташкабел», «Алгоритм-1», «Алгоритм-2», Самарқанднинг «Фортун» футболчилари тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда ўзаро баҳслашдилар. Маълумки, «Алгоритм» болалар спортсоғломлаштириш оромгоҳи Республикадаги энг нуфузли дам олиш масканларидан ҳисобланади. Ҳар йили ёз фаслида бу ерда 4000 нафарга яқин ўғил-қизлар ҳордиқ чиқаради. Ёш авлодга шонли «Пахтакор-79» жамоаси, уни шон-шухрат чўққисига олиб чиққан футболчилар ҳақида маълумотлар беришнинг аҳамияти катта, албатта. Турнир ташкилотчилари мусобақани мана шу жиҳатларига эътибор беришгани ҳар қанча таҳсинга лойиқ.

Кейинги жуфтлик эса Қозғистоннинг «Қаратау» ва АҚШ элчихонаси футболчиларидан иборат бўлди ва бунда ҳам элчихона жамоаси яқол устуликка эришди: 0:5. Учинчи ўрин учун курашган «Пахтакор» ва «Қаратау» фахрийлари учрашувда омад қозоқ биродарларимизга қўлиб боқди. АҚШ ва Исроил давлатларининг ўзбекистондаги элчихоналари жамоалари ўртасидаги турнирнинг финал учрашуви жуда кескин курашлар остида ўтди ва бунда уммон орчи вакиллари ягона голи учрашув тақдирини ҳал қилди: 1:0. Икки қарра Олимпиада чемпиони Вера Дунонова ва марҳум пахтакорчи Идгай Тазетдиновнинг рафиқаси Алла Тазетдинова голиб ва совриндорларга ташкилотчилар томонидан таъсис этилган биллур кубок, диплом ҳамда эсдалик совғаларини топширди. Хотира турнири давомида «Алгоритм» оромгоҳининг мусиқий ва рақс дасталари томонидан тайёрланган дам олиш дастурлари йиғилганлар эътиборига тақдим этилди.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» муҳбири

НОМЕРНИ АЛМАШТИРИБ КЕТИШИБДИ

Маъмур ака деган оқ-сарикдан келган кўнғиз мўйлов ҳайдовчиси бўларди. Битта-яримта бола кўча ўртасида меровисраб туриб қолса, онаси ўрнидан тургазиб юборибди-ю, уйғотиб қўйишни унутибди, шекилли, деб қулғичи эди. Кўни кеча шунга ўхшаш қизик воқеа бўлди. Қайсидаир феъли туфайли бошқа жойга «кўтарилиб кетган» Маъмур ака ўрнида янги иш бошлаган Нуриддин идорадан чиқиб келганимизни кўриб, кўнғини нариги тарафига суҳбатлашиб турган шериғи билан енгил жайрлашиб, шоша-пиша машинага калит солди. Ҳадеганда эшик очилмагач, автотомилнинг бу томонига ўтиб ҳаракатини қайтарди. Узғариш бўлмади. Ҳайдовчи жиққа тёр босган пешонасини бейхитёр ени билан артди-да, довдираб бизга қаради. — Ҳеч бунақа одати йўқ эди, хайронман, нима жин урди. Гап келганда отасини ҳам аямайдиган Хасан деган компютер операторимиз бор, машинанинг олди-орқасини аста айланиб ўтиб, кўзлари мугамбирона қисилиб сўради: — Калит, ишқилиб, ўзингизникими? Ҳайдовчи гудранди: — Нима, мени жиннига чиқаряпсизми? Мана, ишонмасангиз қараган, ҳатто машина номери ҳам ёзиб қўйилган. Хасан гўё ажаблангандек олка қисди. — Унда сиз кўнғини нариги ёғида гурунглашиб турганингизда қимдир машинанинг номерини алмаштириб кетибди-да? Бу гапни эшитиб, ҳайдовчи умуман эсанкираб қолди, босқалар роса мириқиб қулшиди. Дарҳақиқат, тўртта машина нарида идорамизга тегишли улов турар, бечора ҳайдовчи гоҳ

ҚЎЛИДАГИ КАЛИТГА, ГОҲ ЎН КАДАМ НАРИДАГИ СУТГА ЧАЙИЛГАНДЕК ОЛПОҚ «НЕКСИЯ»ГА ЖОВДИРАБ БОҚКАНИЧА, НИМА ҚЎЛИШНИ БИЛМАСДИ.

Бошлиқ ўринбосари унинг елкасига қокди: — Нуриддин ука, ўйлаб қарасам сизни аңча толиқтириб қўйибмиз. Касабақўмга айтмамиз, уч кунлик дам олишга чиқиб, чигилларингизни ёзиб келинг. Тамоман шовиб қолган ҳайдовчи гўлдирди: — Унақа бўлса, фақат сизлар билан. — Раҳмат, ука, — деди ўринбосар. — Биз ҳозиргина бир ойлик чарқочни чиқариб олдик. Бегубор қулугу таралди. Кўпчилик. Маъмур ақанинг сўзларини эслаганимиз: «Онаси уйғотиб қўйишни унутибди, шекилли...»

ЯНГИСИДАН БОР

Ҳар бир инсонда ўзига хос истеъдод бўлади. Абдурахим ҳам бундан мустасно эмас. Бир сўз билан айтганда, гапни эшиб ташлаиди. Топкир, жойида жа-воб қилишининг ҳадисини олган. Асли бу унга отамерос деса ҳам бўлади. Раҳматли Мавлон ака тўй-ҳашамларда манаман деган ҳофизу сўз усталари билан аския-пайроллашиб, давраларга кўп файз киритар эди. Абдурахим тўйларда бўлмаса ҳам гурунларда ҳеч қимни олдинга ўтказиб юрмайдиганлардан. Бир бинода, бир қаватда ёнма-ён ишламаймизми, юмшқ жойлар қақа бўлиб кетмасин, деб гоҳ-гоҳида йўлакда беш-ўн дақиқа чигал ёзди қилиб оламиз. Шу десангиз, Абдурахим ака жуда қовоғини уймаса-да, лекин ўта жиддий воқеани ҳикоя қилмоқчи бўлгандек, навбатдаги латифасини бошлади: — Икки овчи ўлжасини пойлаб пистирмада ётса, галстук таққан, қўянкали, папка кўтарган

ШЛЯПАЛИ БИР КИШИ ОЛАЗАРАК ҲОЛДА ПАЙДО БУЛИБДИ-ДА, ОВИЧЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИБДИ: — ҲОЖАТХОНАНИ ҚАЕРДАН ТОПСАМ БЎЛАДИ?

Овчиларнинг бири анча қув экан. — Бугун қанақа кун, — деб сўрабди шляпали кишидан. — Сешанба, — деди у ҳайрон бўлиб. — Булмаса, мана шу сўжмоқдан кетаверасиз, кетаверасиз. Пайшанба кўни ўрмондан чиққаннингиздан сўнг, ўнга қайриласиз. Беш-олти чакримча юрганнингиздан кейин қишлоқ келади. Сўраган нарсангизни ўша ердан топасиз. Хамма қулди. Довур деган йиғитимиз эса тишининг оқини ҳам кўрсатмади. — Шундоқ қатта ўрмонда ким ҳожатхона қидиради? Биров кўриб турган бўлса ҳам майли эди, хохлаган жойга... Абдурахим ака уқитувчи ўқувчисига танбех берган каби деди: — Довур, сиз масаланинг но-зик жиҳатига эътибор бермадингиз. Ахир шляпали киши ўқиган, зиёли бўлса... Хамма яна қулиб юборди. Довурнинг эса чироғи очилди. — Мен мана шу томонини ўйламабман, энди тушундим, — деди. Шундай қулги бўлди, шундай қулги бўлди! Ахир унинг тўпорилиги шляпали кишининг соддалигидан ҳам ўтиб тушганди-да.

ҚАЛАМ ҲАҚИНИ КИМ ТЎЛАЙДИ

Кунда бўлмаса-да, тахририятга ҳафтада битта-иккита шикоят хати келиб туради. Собик эрининг алимент тўлашдан бош тортиб келаётганидан тортиб, ота-ўғил ўртасида ҳовли-жой таллашишга бўлган жанжалларга

«Пахтакор-79» СИЗНИ УНУТМАЙМИЗ, СИЗНИ СЕВАМИЗ!

«Пахтакор-79» хотира турнири 15-босқич бўлиб ўтди. Бу мақсур мусобақанинг йўлланмасини қўлга киритиб, курашнинг давом эттирди. Яқинда Бўстонлик туманида жойлашган «Алгоритм» болалар спортсоғломлаштириш оромгоҳида «Пахтакор-79» хотира турнири 15-босқич бўлиб ўтди. Бу мақсур мусобақанинг йўлланмасини қўлга киритиб, курашнинг давом эттирди. Яқинда Бўстонлик туманида жойлашган «Алгоритм» болалар спортсоғломлаштириш оромгоҳида «Пахтакор-79» хотира турнири 15-босқич бўлиб ўтди. Бу мақсур мусобақанинг йўлланмасини қўлга киритиб, курашнинг давом эттирди.

Бу ҳам бир ҳангома

Пул кимга ёқмайди. Ола-шо-вор миннатдорлик сўзлари эшитилди. — Айна мудабо бўлди, — деди касабақўм раиси. — Бир ҳафтадан кейин қизимнинг туғилган кўни эди. Хатлар бўлимнинг мудури ҳам гап қўшди. — Ўйга бориб келмоқчи эдим, ҳар ҳолда совға-салом дегандек, қуруқ қўл билан бормайдиган бўлдим. Биров у деди, биров бу деди. Лекин бу гаплар Нормуроднинг у қулугидан кириб, бу қулугидан чиқди. Унинг бутун фикри-хаёли ёзган мақоласи тақдир билан андармон эди. — Дарвоқе, — деб қолди бир нараса ёдига тушгандек муҳаррир жонланиб, — яна бир муҳаббар бор. Хабарларингиз бор, тахририятимизга бери шикоят келганди. Биз ишонч билдирди, уни Нормурод Эшонқулвога ўрганиш учун бергандик. Кеча шикоят муалли-

фи келиб, овора қилгани учун узр сўраб кетди. Қуллас, қўшнилари орани оқиб қилиб олишибди. Ўртада яраш оши ҳам бўлибди. Қисқаси, бунда ҳодимимизнинг масалалар адолатли ва холис ёндашганиги катта рол ўйнаганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Раҳмат сизга, ишончимизни оқладингиз. Муҳаррир шундай дея стол устида ётган қоғозлар орасидан Нормуродга тегишли мақолани олди: — Манг, эсдалик учун олиб қўйинг. Нормурод нималарни деб гудранди. Ҳеч ким эшитмади, сабаби бу пайт хамма ўрнидан гуруссо қўзғалиб, қабулхона эшиги томон ким ўзарга ўйнаган каби илдамлай бошлаган эди. — Қизиқ, — деди Нормурод яна қўлидаги битикача қараб, — Менга энди қалам ҳақини ким тўлайди?

Зайниддин РИХСИЕВ

Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюмаси Марказий кенгаши ва Тошкент вилояти бўйича Вакиллиги «Охангаронцемент» акциядорлик жамияти касаба уюшма кўмитаси раиси Эркин Топиловага акаси Карим ақанинг вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. Ўзбекистон савдо, матбуот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюмаси Марказий кенгаши тармоқ касаба уюмаси Самарқанд вилояти вакили Фарида Ахатовга онаси УРИНБИБИ опанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади. Ўзбекистон Агрисаноат мажмуи ходимлари касаба уюмаси Марказий кенгаши жамоаси Марказий кенгаш ҳуқуқшуноси Муҳиддин Содиковга акаси ТОЛИЕЖОН ақанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради. «Элга Азия» МЧЖ қўшма корхонаси таъсис ҳужжатларининг асл нусхалари ва Адлия вазирлиги томонидан 1997 йил 13 ноябрда берилган 002793-рақамли рўйхатга олиш гувоҳномаси йўқолганини учун ҳақиқий эмас деб ҳисоблангани

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федератсияси Bosh muharrir: Abdullolig Abdurazzoqov Tabirir haq at: Alla BOLIENKOVA, Anvar YUNUSOV, Davud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib), Ma'mura ADILOVA, Mirzohid SOBIQOV, Normamat AHAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Oqsulov NAFAVOVA, Pirmuqol QODIROV, Soq'indiq NIVETULLAYEV, Shamsi ESONOYEV Bo'limlar: Kasaba uyuoshmalariga haqoti, Huquq va xalqaro haqot, Iqtisodiy-iqtisodiy sigosat, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash, Reklama va e'lonlar, Manzillimiz: 100105, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy E-mail: ishonch-doverie@mail.ru, Nashr ko'rsatkichi: 133; 134, G' Yusupov, A. Abdullayev, N.Yo'ldoshev, Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchilar: H.Abdullayev va Y.Mixaylovskiy, «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonamanzilli: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy, O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda. «Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahriyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Tijorat materiallari, Bosma to'plash vaqti - 21.00, Topshirildi - 19.50, Buyurtma G - 714, 11364 nusxada bosildi, 1 2 3 4 6 7 8